
ФАРҒОНА-ЯПОНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ САМАРАЛИ ЯКУНЛАНДИ

Бугун Риштондаги “Чинор плюс 2020” мажмуасида япониялик ишбилармонлар ҳамда вилоятимиз тадбиркорлари иштирокида Фарғона-Япония бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Япониядаги қурилиш, савдо, саноат, тиббиёт, фармацевтика, Ай-Ти, таълим, хизматлар, ипакчилик, туризм ва инвестициялар соҳаларида фаолият олиб боровчи компаниялар раҳбарлари ҳамда 90 га яқин вилоятимиз тадбиркорлари иштирокида ўтказилган форумни вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров очиб берди.

Хайрулло Бозоров Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил декабрь ойида Японияга амалга оширган расмий ташрифи икки томонлама муносабатларнинг янги тарихий босқичини бошлаб берганини таъкидлаб, вилоят расмийларининг сўнгги икки йилда Кунчиқар мамлакатига амалга оширилган қатор ташрифлари, Японияда ва Фарғонада ўтказилган кўплаб музокаралар ва бизнес-форумлар япон инвесторларининг вилоятимизга бўлган қизиқишини кескин орттирганини қайд этди.

Вилоятга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар миқдори йиллик бир миллиард доллардан ошганига, Фарғонада хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 650 тага етганига эътибор қаратган вилоят ҳоқими, Фарғона вилояти Япония инвесторлари ҳамда компаниялари учун ҳам жозибадор ҳудудга айланиб бораётганини ҳамкорликда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар мисолида қайд этди. Хайрулло Бозоров ушбу форум доирасида эришиладиган келишувлар бу ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишига ишонч билдирди.

Фарғона вилоятида ўз инвестицион лойиҳаларини амалга ошираётган япониялик ишбилармонлар – Окуда Такефуми ва Нагаи Кожи Фарғона шаҳридаги Экошаҳар ҳудудида 3 гектар майдонда барпо этишга киришилаётган, қиймати 15 миллион долларлик “Shogun city” япон боғи, меҳмонхона, ресторанлар мажмуаси ҳамда унга ёндош ҳудудда Nagai Clinic томонидан режалаштирилаётган, қиймати 8,7 миллион долларлик замонавий Япон тиббиёт ва соғломлаштириш шаҳарчаси лойиҳаларининг бориши ҳақида маълумот бердилар.

Окуда Такефуми раҳбарлигида Фарғона вилояти ва Япония ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашувчи Ўзбекистон-Япония халқаро иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси ташкил этилгани ҳам эълон қилинди.

Вилоят ҳоқимлиги инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси котибияти мудир Азимжон Юлдашев Фарғона вилоятининг инвестициявий, савдо-иқтисодий салоҳияти, шунингдек, божхона ва солиқ тўловлари мисолида “Қўқон” эркин иқтисодий зонасида инвесторлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар тўғрисида форум иштирокчилари учун тақдимот ўтказди.

Форум давомида умумий қиймати 30 миллион доллар бўлган инвестициявий келишувлар ва экспорт шартномалари имзоланди.

Форум доирасида япониялик меҳмонлар Фарғонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳамда миллий ҳунармандчилик кўргазмаси билан танишдилар.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)